

ЎЗБЕКИСТОНДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АТРОФ-МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

Самарқанд, 14-15 июнь 2013 йил

Самарқанд – 2013

САНГЗОР ВОҲАСИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ*М.Алтибаева, Х.Назаров, М.Эсанбаева, М.Умарова (Самарқанд)*

Худудларда экологик ҳолат мувозанати табиий компонентларининг ўзаро таъсири натижасида бир неча минг йиллар давомида таркиб топгандир. Экологик мувозанатни барқарор ҳолда сақлаб қолиш табиий компонентларининг ўзаро таъсирини ва уларни табиий тикланиш қонуниятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Экологик мувозанат бузилиши кўп ҳолларда инсон ҳўжалик фаолияти таъсири туфайли содир бўлмоқда. Сангзор воҳаси ландшафтлари ўзининг такрорланмас ҳушманзара табиати билан ажралиб турадиган маскан бўлиб, унинг мусаффо ҳавоси, зилол сувлари, инсонлар дам олиши, соғлигини тиклаши ва хордиқ чиқаришлари учун қулайдир. Биз ушбу ишимизни Сангзор воҳасининг табиий географик хусусиятларини ўрганган ҳолда унинг рекреацион ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Сангзор воҳаси сўлим ва бетакрор табиати маҳаллий аҳолининг қадимий миллий маданияти ва кўҳна тарихи билан алоҳида ажралиб туради. Худудни табиий географик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экотуризмни ривожлантириш максалга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Воҳа географик чегараси тоғли худудларда жойлашган бўлиб Туркистон тоғ тизмаси, Хисор, Олой тоғ тизмасига қирувчи тоғлар ҳамда Сирдарё ва Зарафшон дарё хавзалари ўртасидаги сув айирғич, шарқдан ғарбга Мастчоҳ тоғ тугунидан Зарафшон дарёсининг урта оқимиғача 350 км га ва энга 60 кмга чузилган, шарқдан Сўх дарёсининг бошланиш қисмида, Олой тоғларидан Мастчоҳ тоғ тугуни орқали ажралади. Туркистон тоғ тизмаси шарқда Фарғона водийси ва ғарбда Мирзачўлни воҳасини ўраб туради. Шарқий қисми баланд (5000-5400 м) қор ва музликлар билан қопланган. Ҳушманзара тоғли худуд, тоза ҳаво, зилол сувлар кишилар соғлигини тиклаш ва дам олишлари учун қулай ҳисобланиб рекреацион масканлари ҳамда экотурзмни ривожлантиришга имкон беради. Ғарбий қисми Чумқартоғ, шимолий- ғарбий қисми Молғузар тоғларидан иборат. Шимолий ён бағри қия қир ва адирларга туташиб кетади ва худудда Бурага, Босмондик, Оксув, Лайлак, Исфарак каби сойларини ҳосил қилган.

Ғарбда Сангзор дарёсининг чап ирмоқларида Гуралаш, Бойқўнғир, Кўкжар, Тангатоғди, Жумжум ва Бахмалгор сойлари қор ва баҳорги ёмғир сувларидан тўйинади. Дарёлари маълум хавзаларга қуйилмасдан, текисликка чиққач, бутунлай сўғоришга сарфланади. Иклими континентал характерга эга бўлиб турли қисмларида баландлик ўзгариши билан боғлиқ равишда иклимда турлича характерли хусусиятлар қасб этади. Йиллик ўртача ҳарорат 10,3 °С ни ташкил қилади. Январнинг ўртача ҳарорати -2,9°С, июнники 19-23°С, мутлоқ юқори ҳарорат 41°С. Йиллик ёғин 424-500 мм дан зиёд, қорнинг қалинлиги 15-30 см айрим жойларда 1 метрғача бўлиб баландроқ жойларда май ойларигача эримай туради. Табиий шароитининг қулайлиги худудда экотуризмни ташкил этишда кенг йўл очади. Сангзор воҳасида экотуризмни ташкил этишнинг яна бир аҳамиятли томони унинг бетакрор табиатида яшаётган ҳайвонот ва ўсимлик оламидир. Чунки ушбу худудда учта алоҳида кўрикландиган Зомин миллий боғи, Нурота кўриқхонаси ҳамда Бахмал, Зомин, Ғаллаорол ўрмон ҳўжаликлари жойлашган бўлиб бу худудлар ўзига хос табиий такрорланмас ландшафтлари билан барчани ўзига жалб этади. У ернинг шифобахш сувлари ва мусаффо ҳавоси инсон саломатлигига ижобий таъсир этиб, умрини узайтиришга ва ҳасталикларни даволашда ёрдам беради. Шунингдек Туркистон тоғ тизмаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ноёб ва эндемик турларига бой ҳисобланади. Ҳашоротларнинг 500 дан ортиқ тури, баликларнинг 6 тури, амфибияларнинг 2 тури, рептилиларнинг 14 тури, қушларнинг 101 тури сут эмизувчиларнинг 30 тури яшайди. Улардан 8 тур қуш, 4 тур сут эмизувчи Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб» ига киритилган бўлиб улардан ок тирнокли айик, туркистон силовсини, северсов қўйи, қор қоплони ҳамда ноёб қушлардан болтаютар, бургут, қора лайлак шулар жумласидандир. Худудда 700 тур ўсимликдан 13 таси эндемик ҳисобланади.

Воҳада чўл, адир, тоғ ва яйлов минтақаларини учратиш мумкин. Воҳанинг ўзига хос сўлим ва бетакрор табиати шунингдек халқнинг кўҳна тарихи, миллий маданияти республикамиз ва хорижий саёҳларни мафтун этиб келмоқда. Туркистон тоғининг шимолий ғарбий қисмида жойлашган Бахмал ва Зомин туман худудлари сайёҳларини дам олишлари ва хордиқ чиқаришлари учун катта имкониятларга эга. Ушбу худудда Зомин миллий боғи ва кўриқхоналар жойлашган бўлиб, сойларидан оқаётган муздек сувлар ва қорли тоғлар, арчазорлар билан қопланган ёнбағрлар, мусаффо шифобахш ҳавоси сайёҳларни ўзига тартади ва бундай худудларни республикамизнинг бошқа жойларида учратиш бўлмайди. Бу худудда экотуризмни ривожлантириш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлар олиб борилмоқда ва истиқболли режалар тузилиб уларни амалга оширишда бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Худудда экотуризмни ривожлантириш нафақат рекреацион характерга эга бўлмасдан иқтисодий аҳамияти ҳам самарали бўлиши кутилмоқда. Сангзор воҳасида экотуризмни ривожлантириш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш барқарор ривожланишнинг гарровидир.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ОМИЛЛАРИ*М.Усмонов, К.Қурбонов, Н.Мўминов (Жиззах)*

“XXI аср экотуризм асри” бўлиши тўғрисида шу соҳа олимлари прогноз қилишмоқда. Бинобарин, ҳозирги кунда дунё бўйича жами саёҳатга чиққанларнинг 12 фоизи экотуризмда яъни, «яшил» саёҳатга чиқиб, ундан тушган даромад 30 млрд. АҚШ долларини, унинг халқаро туризмдаги даромад ҳиссаси эса 10 фоизни ташкил этмоқда. Саёҳатнинг бу тури асосан АҚШ, Канада, Австралия, Непал, Эквадор, Бразилия, Филлипин, Кения,

ЖАР каби давлатларида тез ривожланмоқда (Александрова, 2002). Экологик туризмнинг ўсишини шундан ҳам кўриш мумкинки, асосий халқаро туристик маршрутлар гузал экзотик табиати ва бетакрор туристик ресурслари мавжуд бўлган Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Америка, Африка давлатларига, Гавайя оралларига тўғри келмоқда. Баъзи маълумотларга кўра, халқаро туризм бозорига экотуризмнинг ҳиссаси ҳозирги вақтда 1/5 га етди.

Республикаимиз тарихий, археологик, архитектура, санъат ва бошқа туристик имкониятларга ниҳоятда бой. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, тоғ ва дарёлари, чўл ва воҳалари, қўл ва ландшафт зоналари асосий рекреация ресурсларидир. Уларни экотуризм нуқтаи назаридан ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. Ўзбекистонда экотуризм соҳасида ўз ечимини қутаётган катор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни босқичма-босқич ҳал этиш келажакда ушбу соҳани макроиктисодиётнинг асосий қисмига айлантиришга хизмат қилади. Чунончи, юртимизда экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари ниҳоятда юқори бўлиб, ундан самарали фойдаланиш учун махсус географик тадқиқотлар минтақалар бўйича олиб боришни тақозо этади.

Президентимиз И.Каримов ташаббусига кўра 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб номланиши шаҳар ва қишлоқларнинг инфраструктурасини тубдан янгилаш ҳамда аҳоли турмуш тарзини яхшилашда аҳамиятли бўлган чора тадбирларни белгилаш ва уни амалга оширишда тинимсиз изланишимизни талаб этади. Ушбу муаммоларни ҳал этиш йўллари билан бири жойларда экотуризмни йўлга қўйиш ва ривожлантиришдир. Жиззах вилоятида экотуризм Нурота тоғ тизмасида “Нурота – Қизилкум биорезервати” доирасида ташкил этилган бўлиб, қолган жойларда стихияли, яъни ички туризм тарзида ривожланган. Ҳозирги кунда вилоятнинг 10 га яқин меҳмонхоналарида йилига 35 мингга саёҳатчи қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, бу асосан “Давлат муҳофазаси рўйхатлари”га киритилган муқаддас кадамжойларга, яъни 372 та маданий мерос объектлари, шундан 42 та тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, 267 та археологик мазилгоҳлар, 63 та монументал ёдгорликлар доирасида олиб борилади.

Вилоятнинг Туркистон тоғ тизмаси этакларида жойлашган ўзининг сўлим ва бетакрор табиати, шифобахш ҳавоси, булоқлари билан маълум ва машҳур Зомин, Бахмал туманларида экотуризмни йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда экологик маршрутни 3 та қилиб белгиладик. Яъни, Жиззах Пишагар (Хўжаисароб ота зиёратгоҳи ва Пишоғор қишлоғи бошланишидаги тоғ), Жиззах-Зомин миллий табиат боғи (Зомин музейи, минг йиллик ёнғок, Зомин миллий боғи ҳудуди), Жиззах-Музбулок-Ўснат (Темир дарвоза, Саъд ибн Ваққос зиёратгоҳи, Новқа ота зиёратгоҳи, Зомин давлат кўрикхонаси ҳудуди) йўналишлари. Экотуризм маршрутларида ҳудудларга кучли ўзгатиришлар киритилмайди, яъни меҳмонхона, ресторан ва шу каби маъиший хизмат кўрсатиш учун алоҳида бинолар қурилмайди. Экотуристар ҳудуддаги аҳолининг турмуш тарзига ҳос равишда қишлоқ хонадонларида ташкил қилинган меҳмонхоналарида кутиб олинадилар ва яшайди.

Экотуристар ушбу ҳудудларнинг бетакрор табиати билан бирга аҳолининг қадимий маданиятини ва тарихини ўзида мужассамлаштирган турли туман анъаналари, удимлари, тўйлари, байрамлари иштирокчиларига ҳам айланадилар. Шунингдек, маҳаллий аҳоли томонидан таёрланган тандир, кимиз, бешбармоқ, сузма, курт каби экологик тоза ва шифобахш таомларини ҳам татиб кўрадилар ёки хоҳишларига кўра тайёрлов жараёндларида иштирок этадилар. Ташкил этилган ўтов музейларидаги сўзана, дўппи, камчи каби халқ санъати ижодиётини томошо қилишлари ва харид қилишлари мумкин.

Қишлоқларимиз фаровонлигини ошириш, маданияти ва маърифатини тубдан ривожлантириш, сақлаш ва тарғиб қилишида экотуризмнинг аҳамияти каттадир. Зеро бунда, аҳолининг атроф-муҳитни, табиий ёдгорликларни сақлашда фаоллиги оширилади, экотуристарни жалб этиш ва уларга сервис хизмат кўрсатиш орқали вилоятимизнинг чет эл валютаси тушимига ҳисса қўшилади. Шунингдек, атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда экологик тургунлик таъминланади, қишлоқ аҳолисининг экологик билимлари оширилади, табиий, маҳаллий, маданий муҳит сақланиши орқали қишлоқларнинг ҳар томонлама ривожланишига ҳисса қўшилади. Туркистон тоғ тизмасида экотуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш Жиззах давлат педагогика институти Табиатшунослик ва география факультети профессор ўқитувчиларининг Нурота Давлат кўрикхонаси, Зомин давлат кўрикхонаси, Зомин миллий табиат боғи ходимлари билан шу кунгача олиб бораётган ҳамкорликдаги илмий ва амалий ишлари давоми бўлади деб ҳисоблаймиз.

ДАНГАРА ТУМАНИНИНГ ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ҚИСМИДАГИ ҚИШЛОҚЛАРДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ТАРҚАЛИШИ

Ф.С. Мелибоева (Қўқон)

Инфекцион касалликлардан Вирусли гепатит “А”, Вирусли гепатит “Б”, Ўткир ичак инфекцияси Марказий Осиёда кенг тарқалган бўлиб, улар патоген микроорганизмлар (бактериялар, вируслар ва ҳ.к.) нинг одам организми, ҳайвон ва ўсимлик организмларига кириб, кўпайиб, зарарли таъсир кўрсатиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар ҳисобланади.

Гепатитнинг энг кўп учрайдиган сабаби бу гепототропвирусларидан биридир: гепатит “А” вируси, гепатит “Б” вируси, гепатит “С” вируси, гепатит “Д” вируси фақат гепатит “Б” ва гепатит “Е” вируслари билан бирга учрайди. Аҳолининг айрим гуруҳлари орасида 8% гача бўлган одамларда қонда билирубин (боғланмаган) миқдори ўрта даражада ошади ва сариклик ривожланади, бунга сабаб-хавфсиз наслий ҳолат, яъни Жилбер синдромидир. Ҳар қандай вирусли инфекция бемордан ҳаво-томчи (гаплашганда, аксирганда, йўталганда) йўли орқали юқади. Касаллик кўзгатувчи вируслар юқори нафас йўлларида (бурун, ҳикилдоқ) тушади, шиллик парда

<i>Бадалов Ҳ.Б.</i> Самарқанд вилояти аҳолисининг яшаш шароитини яхшилашда рекреация ресурслардан фойдаланиш масалалари.....	92
<i>Мақлонов А.М.</i> Бухоро вилоятининг урбанизация жараёни ва ундаги ўзгаришлар.....	93
<i>Бадалов Ҳ., Эшимова Х., Махмудова Г.</i> Ўрта Зарафшоннинг рекреация-туристик имкониятлари.....	95
<i>Назаров Х.Т., Баймуродов С., Облоқулов А., Охунوف С.</i> Миллий урф-одатларимизда табиатга бўлган муносибатларнинг кўринишлари.....	96
<i>Қувондиқов О.Х.</i> Самарқанд вилоятида боғдорчилик ва узумчиликнинг ҳудудий жойлашиши ва ривожланиш хусусиятлари.....	97
<i>Исломоф И.Н.</i> Йирик шаҳар агрофи хўжалигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг баъзи масалалари....	98
<i>Абдуназаров Ҳ.М., Саиторов А.У., Абдулаев О.О., Қулмаматов А.Е.</i> Сурхондарё вилоятида саноат тармоқларининг шаклланиши ва ривожланиши.....	100
<i>Тоиров И., Эрдонов Л.</i> Қашқадарёда саноатнинг ривожланиши ва уни ҳудудий ташкил этишнинг асосий муаммолари.....	100
<i>Қувондиқов О.Х., Йулдошева Г.</i> Қашқадарё вилояти чўл ҳудудларида шаҳарлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	102
<i>Абдиназарова Х., Абдуназаров Л., Холматова Р.</i> Туризм индустриясининг ривожланишида транспортнинг ўрни ва аҳамияти.....	103
<i>Абдиназарова Х., Отажонов Ш., Мамажонов З.</i> Фарғона вилоятида экотуризмни ривожлантириш имкониятлари.....	104
<i>Уролов Э.</i> Минтақада инновацион иктисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши.....	105
<i>Ҳақимов Қ., Бурхон ғв Э.</i> “Жиззах” маҳсус индустриал зонани ташкил этилишининг географик асослари.....	106
<i>Умаров А., Тошпўлатов А., Абдухалилов Б.</i> Фарғона вилояти иктисодий-ижтимоий ривожланишида кичик бизнеснинг роли.....	108
<i>Рахимов А.К., Атаева Н.П.</i> Хоразм вилоятини микрорайонлаштиришнинг табиий ва демографик салоҳияти..	109
<i>Ибраҳимова А.А.</i> Самарқанд вилоятининг ташки иктисодий салоҳияти.....	110
<i>Сафарова Н.И., Эсанбекова Ю.</i> Глобал демографик муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш хусусиятлари.....	112
<i>Ибраҳимова А.А., Ибрагимова Р.А.</i> Самарқанд вилояти фермер хўжаликлари.....	113
<i>Ибрагимов Л.З., Мусаев Б.</i> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда Германия тажрибасининг ўрни.....	114
<i>Абдуллаев А.Г.</i> Хоразм вилояти озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда хом ашё ресурслари билан таъминлашда фермер хўжаликларининг ўрни.....	116
<i>Холдорова Г., Очилов Ш., Рафиқова Л.</i> Хизмат кўрсатиш ва касаначилик фаолиятининг ҳудудлар бўйича ривожланиш хусусиятлари ва иктисодий таҳлили (Жиззах вилояти мисолида).....	117
<i>Қамолов М.Н., Бобоназаров А.Б.</i> Қабила номи билан аталувчи мамлакатлар.....	118
<i>Файзуллаев М.А.</i> Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштиришнинг иктисодий географик жиҳатлари.....	119
<i>Аллаберганов Ҳ.А.</i> Хоразм минтақасининг инвестиция сиёсати.....	121
<i>Ражабов Ф.Т.</i> Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг ривожланиши.....	122
<i>Муродова Д., Бобоёрова М.</i> Аҳоли жойлашувининг географик хусусиятлари (Қашқадарё вилояти мисолида)..	124
<i>Мирзаҳмедов Х., Жумаханов Ш., Жобборова М.</i> Фарғона вилоятида хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятининг айрим жиҳатлари.....	125
<i>Алтибаева М., Назаров Х., Эсанбаева М., Умарова М.</i> Сангзор воҳасида экотуризмни ривожлантириш истиқболлари.....	127
<i>Усмонов М., Курбонов К., Муминов Н.</i> Жиззах вилоятида экотуризмни ривожлантиришнинг иктисодий географик омиллари.....	127
<i>Мелибоева Ф.С.</i> Данғара туманининг жануби-ғарбий қисмидаги қишлоқларда юқумли касалликлар тарқалиши.....	128
<i>Тухтаева Х. Т, Ҳожиева М.Т., Норқувватова Г.И.</i> Навоий вилояти чўл ҳудудларини иктисодий-ижтимоий ривожлантириш муаммолари.....	129

3-ШЎҒБА. ИҚЛИМ, СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ

<i>Ҳикматов Ф.Х., Айтбаев Д.П., Махмудов Б.Х.</i> Ўзбекистоннинг маҳаллий ва трансчегаравий сув ресурслари, улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ҳақида.....	131
<i>Чембарисов Э.И., Насрулин А.Б., Лесник Т.Ю., Чембарисов Т.Э.</i> Гидрохимические особенности речных вод Сурхандарьинской и Кашқадарьинской областей.....	132
<i>Абдулқосимов А., Сапарова Д.</i> Қуйи Амударёнинг ички сувлари ва уларнинг режим хусусиятлари.....	133